

## Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича

### ШАРТНОМА 1

2022 йил 05 май

Урганч шахри

Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Хоразм филиали номидан Устав асосида фаолият юритувчи директор Д.А.Сапаев (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан ва "MUNIS-URGANCH" Оилавий корхонаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи корхона раҳбари Р.С.Абдирахманова (кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан, кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

#### I. Шартнома предмети:

- 1.1. Аутсорсер, Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.
- 1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар ҳар куни Буюртмачини ошхона хизматини, яъни РШТЎИМ Хоразм филиалида даволанаётган 200 ўринлик беморлар учун аутсорсингга иссиқ овқат етказиб бериш хизматини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини (кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади) ўз зиммасига олади.
- 1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:  
2022 йил «05» Майдан.  
2022 йил «31» Декабргача.
- 1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

#### II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- 2.1. Аутсорсер куйидаги ҳуқуқларга эга:
  - 2.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;
  - 2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;
  - 2.1.3. Хизматлар тарихининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;
  - 2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;
  - 2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;
  - 2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;
  - 2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.
- 2.2. Аутсорсер куйидагиларга мажбур:
  - 2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини қоплаши;
  - 2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнгин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;
  - 2.2.3. Аутсорсинг хизматини сифатли бажарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;
  - 2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;
  - 2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни

таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига руҳсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Аутсорсернинг хизматини сифатли кўрсатилишини талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятинга аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш;

2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.4. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камидан бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

### **III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби:**

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи: **1171800000 (Бир миллиард бир юз етмиш бир миллион саккиз юз минг) сўмни ташкил қилади.**

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг

йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича ҳар ойда амалга оширилади.

3.3. Ҳар ойда кўрсатиладиган хизматларнинг ~~15~~ % суммаси олдиндан, ҳар ойнинг 5 санасигача Аутсорсернинг ҳисоб рақамига Буюртмачи томонидан ўтказиб берилади. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи қундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштирилади.

3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

3.5. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан биришнинг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

3.6. Аутсорсернинг хизматини кўрсатиш бўйича шартнома буюртмачи ва аутсорсер ўртасида календар йил учун икки нусхада тузилади. Бунда аутсорсер томонидан шартнома шартларининг тўлиқ бажарилиши ва буюртмачининг харажатлар сметасида ажратилган маблағ аутсорсерни қониктирган тақдирда, томонларнинг келишувига кўра шартнома муддати навбатдаги календарь йили учун узайтирилиши мумкин. *(Асос ВМ 10.01.2020 йилдаги № 16-сон қарори 2-илоvasи (Низоми) 3-боб, 11-хатбоши)*

#### **IV. Томонларнинг мажбуриятлари:**

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорда пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик К талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.4. Буюртмачига ҳар чоракда бир мартаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва ишхоналарнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.5. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

#### **V. Мунозарални вазиятларни ҳал этиш тартиби:**

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

#### **VI. Форс-мажор ҳолатлар:**

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод

килинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга сурилади.

### VII. Яқунловчи қондалар:

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

### VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати:

8.1. Ушбу Шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

### IX. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари:

«Буюртмачи»:

«Аутсорсер»:

<b>РШТЁИМ Хоразм филиали</b>	<b>“MUNIS-URGANCH” Онлавий корхонаси</b>
<i>Манзили: Урганч ш. К.Атааниязов 1 уй</i>	<i>Манзили: Урганч туман Чакка Шоликор кишлоғи Учқўприк маҳалласи</i>
<i>ш/хр: 100021860334017073102054001</i>	<i>Тел/факс: 93746 36 36</i>
<i>ш/хр:</i>	<i>х/р: 20208000500803775001</i>
<i>ИНН: 201989155 ОКОНХ: 91515</i>	<i>ИНН: 305028126</i>
<i>Молия Вазирлиги Фазначилиги</i>	<i>ОКОНХ: 21140</i>
<i>Ҳазна х/в: 23402000300100001010</i>	<i>МФО: 00570</i>
<i>Банк: Марказий банк Тошкент шаҳри</i>	<i>Банк номи: Микрокредитбанк Қараул бўли</i>
<i>МФО 00014 ИНН 201122919</i>	



Сапаев



С.Абдурахманова

Юридик хизмат:  Ф.А.Қаландарова.

Дугеоренинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича  
ИЛЮЗА

### ШАРТНОМАНИНГ ПРОГНОЗ СУММАСИ

Т/р	Ойлар	Ойдаги кунлар сони	Ўлчов бирлиги	Хизмат бирлиги учун нарх (сўм)	Хизмат бирликлари сони	Жами сумма ҚҚС сиз (сўм)	ҚҚС 15%	Жами сумма ҚҚС билан
1.	Январь	31	Порция					
2.	Февраль	28/29	Порция					
3.	Март	31	Порция					
4.	Апрель	30	Порция	21700	11326	245774200		
5.	Май	31	Порция	21700	5194	112709800		
6.	Июнь	30	Порция	21700	5194	112709800		
7.	Июль	31	Порция	21700	5194	112709800		
8.	Август	31	Порция	21700	5194	112709800		
9.	Сентябрь	30	Порция	21700	5194	112709800		
10.	Октябрь	31	Порция	21700	5194	112709800		
11.	Ноябрь	30	Порция	21700	5194	112709800		
12.	Декабрь	31	Порция	21700	6316	137057200		
	<b>Шартнома нинг жами суммаси</b>	<b>365/366</b>			<b>54000</b>	<b>1171800000</b>		

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.01.2020 й.,

09/20/16/0046

*Алиф* Р.С. Абдирахматова



Д.А. Сапаев.